

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2014 йил 28 август, № 166 (6096) Пайшанба


# Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!



ФАХР







Дунё ҳамжамияти мустақиллик йилларида Ўзбекистонни тараққиёт йўлидан дадил бораётган мамлакат сифатида тан олди. Бундан барчамизнинг қалбимиз ғурур ва ифтихор туйғуларига тўлди. Зеро, ижтимоий-иқтисодий жабҳаларда эришаётган ютуқларимиз кўлами йил сайин кенгайиб, кўпчиликнинг ҳавасу ҳайратини оширмоқда.

Жиззах вилояти:

## ШИЖОАТ, БУНЁДКОРЛИК ВА ЯНГИЛАНИШ

Дарҳақиқат, бугун мамлакатимизнинг қайси гўшасига борманг, янгиланиш ва улкан бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўласиз. Ҳар бир шаҳар ва туман, қишлоқ ёки маҳалла тобора чирой очмоқда. Меҳнаткаш халқимиз пешона тери билан топган даромадлари эвазига бири-биридан кўркам, ҳар томонлама қулай уй-жойлар қураётгани, ишбилармонларимиз эса юксак тадбиркорлик салоҳиятини намоён этиб, юқори иқтисодий натижаларни қўлга киритаётгани бу борада муҳим омил бўлаётир, албатта. Жиззах вилоятидаги ўзгаришлар ҳам ана шундан далолат беради.

Таъкидлаш жоизки, Буюк Ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган мазкур вилоят аҳли янги-янги марраларни эгаллаш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, бугунги кунга келиб, Жиззах йирик саноат марказларидан бирига айланаяпти. Вилоятда 2013 йилда 791,2 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, 1995 йилдагига нисбатан 101,4 баробар ўсишга эришилгани бунинг тасдиғидир.

(Давоми 3-бетда).

28 август — «Эл-юрт ҳурмати» ордени ва «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони таъсис этилган кун

## Юксак ғурур ва эъзоз тимсоллари

Жорий йил 12 июнь — 13 июль кунлари Бразилияда ўтказилган футбол бўйича жаҳон чемпионатида ҳакамлик қилган ўзбекистонлик ФИФА рефериси Равшан Ирматов Ватанимизнинг халқаро миқёсдаги шон-шуҳратини янада юксалтириш, халқимизнинг куч-қудрати ва салоҳиятини намоён этишга муносиб ҳисса қўшди.





Президентимизнинг 2014 йил 25 июлдаги Фармонига мувофиқ, халқаро майдонда мамлакатимизнинг спорт соҳасидаги шон-шуҳратини юксалтириш, ўзбек футболининг нуфузини ошириш, миллий футбол ҳакамлари мактабини ривожлантириш ишига қўшган муносиб ҳиссаси учун Ўзбекистон футбол федерациясининг халқаро тоифадаги ҳаками, ФИФА рефериси Равшан Ирматов "Эл-юрт ҳурмати" ордени билан мукофотланди.

Айтиш жоизки, бундан тўрт йил аввал Жанубий Африка Республикасида бўлиб ўтган футбол бўйича жаҳон чемпионатида ҳам Равшан Ирматов муваффақиятли ҳакамлик қилганди. Ўшанда мундиалнинг очилиш маросими ва яна тўртта учрашувни аъло даражада бошқариб, дунёнинг манаман деган давлатларига Ўзбекистон спортчиларининг салоҳияти ва қудратини намоён эта олди. Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 20 июлдаги Фармонига мувофиқ, у "Ўзбекистон ифтихори" фахрий унвони билан тақдирланди.

Бугун мамлакатимизда фидокорона меҳнатлари билан юрт равнақига муносиб ҳисса қўшиб келаётган бундай инсонлар кўп. Уларнинг саъй-ҳаракати ва жонбозлиги натижасида Ўзбекистонимиз мустақиллиги мустаҳкамланиб, нуфузи, обрў-эътибори тобора юксалиб бораяпти.

Юртбошимиз ташаббуси билан миллий ўзлигимиз, тарихий анъаналаримиз, қадриятларимизни мужассам этган қатор давлат мукофотлари — орден ва медаллар, фахрий унвонларнинг таъсис этилиши бу борадаги эзгу мақсад-вазифалар рўёбини таъминлашга хизмат қилаётир. Бу эса фидойи, заҳматкаш юртдошларимизнинг хизматини муносиб тақдирлаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш истиқлолимизнинг дастлабки йилларидаоқ давлат сиёсати даражасига кўтарилганининг ёрқин тасдиғидир.

(Давоми 2-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

*Бугун, 28 август куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлиси очилади.*



Кеча Олий Мажлис Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда ишчи гуруҳ раҳбарининг бўлажак ялпи мажлисни ўтказишга тайёргарлик тўғрисидаги ахбороти тингланди.

Сенат қўмиталарининг раислари қўмиталарда ўтказилган мажлислар ҳамда ўн бешинчи ялпи мажлис муҳокамасига киритилган қонунлар бўйича хулосалар ва бошқа масалалар юзасидан қарорларнинг лойиҳалари тайёрлиги ҳақида ахборот бердилар, ялпи мажлис ишини ташкил этиш тўғрисида фикр алмашдилар.

Кенгаш мажлисида Сенатнинг ялпи мажлиси муҳокамасига киритилган, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини рўёбга чиқариш доирасида тайёрланган, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг ҳамма соҳаларини изчил ислоҳ қилишга ва либераллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси қонунларининг долзарблиги қайд этилди.

Олий Мажлис Сенатининг бўлажак ялпи мажлисида муҳим масалалардан бири давлат органларининг ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорлигининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришни, ижтимоий шерикликни ривожлантириш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ҳамда катта ижтимоий аҳамиятга молик қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқариш жараёнида кенг аҳоли қатламларининг манфаатларини ҳар томонлама ҳисобга олиш соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишнинг самарадорлигини ошириш учун қулай ҳуқуқий майдон яратишни назарда тутадиган "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқишдан иборат бўлади.

Сенатнинг ялпи мажлисида биржа фаолиятини янада тартибга солишга, ишбилармонлик муҳитини яхшилашга, тадбиркорларнинг ҳуқуқларини, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга, сайлов қонунчилигини, суд-ҳуқуқ соҳасини, атроф-муҳитни муҳофаза қилишни такомиллаштиришга ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилган "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги (янги таҳрири), "Тижорат сири тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳам кўриб чиқилади.

Ялпи мажлисда Бош прокурорнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш борасида амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан прокурор назоратининг ҳолати ва уни янада кучайтириш чоралари тўғрисидаги, Марказий банк бошқаруви раисининг Марказий банкнинг 2013 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботлари кўриб чиқилади.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг ваколатига киритилган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.**

ЭКСКЛЮЗИВ ИНТЕРВЬЮ

*Инсон эзгуликка интилиб яшайди, бахтли-саодатли ҳаёт кечиришни орзу қилади. Фарзандлари камолини кўриш умидида елиб-югуради.*

## Ободлик ва қут-барака асоси

Шу маънода, Ўзбекистоннинг истиқлол йилларидаги тараққиёт йўлига назар ташлар эканмиз, Юртбошимизнинг тўғри ва ҳаққоний сиёсати туфайли бугун хонадонларимиз файзу баракага тўлиб бораётганига яна бир карра иқрор бўламиз. Мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллиги арафасида Президентимиз Фармонига биноан, "Эл-юрт ҳурмати" ордени билан мукофотланган Қашқадарё вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси Эсанбай РАЖАБОВ ўз фикрларини баён этди:

*— Истиқлол берган имкониятларни санаб адоғига етолмаймиз. Оддий бир мисол: бундан йигирма-йигирма беш йил илгари Ўзбекистонда автомобиль ишлаб чиқарилади, дейилса, бу гапга ким ишонарди?! Мана, бугун Асака ва Самарқандда тайёрланаётган замонавий автомобилларимиз дунё бозорида харидоргир. Улар учун зарур хом ашё ва бутловчи қисмлар ўзимизда ишлаб чиқарилаяпти. Шунинг ўзиёқ иқтисодий салоҳиятимиз нечоғлиқ юксалиб бораётганидан далолат бермайдими?*

*Қишлоқларимизни кўрсангиз, кундан-кун шаҳар билан бўйлашаяпти. Инфратузилма иншоотлари қад ростлаяпти. Илгари битта оддий цех бўлмаган ҳудудларда айни пайтда ўнлаб замонавий корхоналар ишлаб турибди.*

(Давоми 2-бетда).

## Ёшларимиз — ғолиблар сафида

*Ўзбекистонлик боксчилар Бектемир Меликўзиев ва Сулаймон Латипов Хитойнинг Нанкин шаҳри мезбонлик қилган ўсмирлар ўртасидаги II Олимпиада ўйинларининг олтин ҳамда кумуш медалларини қўлга киритди.*

ХУШХАБАР

Мамлакатимизда бундай йирик спорт анжуманларида юрт шаънини улуғлашга қодир спортчиларни тайёрлаш борасида катта тажриба тўпланган. Хусусан, Президентимиз томонидан асос солинган ва мунтазам равишда ўтказиб келинаётган "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада спорт ўйинлари нафақат ёш авлодни жисмонан соғлом, маънан етук инсонлар сифатида тарбиялаш, балки халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қиладиган истеъдодларни саралаб олишда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## Жорж КРОЛ: ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА УЛКАН ЮТУҚЛАРНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ

*Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистон мустақиллигини биринчилар қаторида тан олган давлатлардан. 1992 йилда мамлакатларимиз ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилган. Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини элликдан зиёд ҳужжат, жумладан, 2002 йилда имзоланган Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларация ташкил қилади. Бугунги кунда ўзаро алоқалар ушбу декларацияга асосланган ҳолда, тенг ҳуқуқлилик, конструктив ҳамкорлик ва манфаатларни ўзаро ҳурмат қилиш принципларига мувофиқ изчил тараққий этмоқда.*

*Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 23 йиллиги арафасида ЎзА мухбири Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жорж КРОЛ билан суҳбатлашди.*

ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 23 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

— Ўзбекистон тарихан қисқа даврда — мустақилликнинг ўтган йигирма уч йилида улкан ютуқларни қўлга киритди, — деди Жорж Крол. — Мамлакатингизда барқарор сиёсий ва иқтисодий институтларга асос солинди, аҳолининг тинч ва фаровон ҳаёти, хавфсизлиги таъминланди. Ўзбекистон меҳнатсевар ва билимли кадрларга, шунингдек, фойдали қазилмаларга бой мамлакатдир. Буларнинг барчаси ёш авлоднинг ўз Ватани ва унинг бой маданий ва маънавий мероси билан фахрланишига асос бўлмоқда. Юрт тақдири ва келажаги учун камарбаста баркамол авлодни шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон ижтимоий, сиёсий соҳаларда туб ислоҳотларни амалга ошираётир. АҚШнинг мустақиллик даври Ўзбекистонникидан ўн баравар кўп бўлишига қарамай, биз ҳамон сиёсий ва иқтисодий институтлар ҳамда таълим тизимини такомиллаштириш, миллий хавфсизлигимизни таъминлаш борасидаги ислоҳотларни давом эттирмоқдамиз. Бугун дунё — барча учун, жумладан, Ўзбекистон учун ҳам, АҚШ учун ҳам синов майдони. Кўплаб ўхшаш жараёнларни бошдан кечирар эканмиз, 23 йил аввал истиқлолни қўлга киритган Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган АҚШ ўзаро ишончли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашда давом этишини мамнуният билан таъкидлашни истардим.

*— Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари ҳақида сўзлаб берсангиз.*

— Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг қамрови кенг. Биз минтақавий хавфсизликдан тортиб, савдо, иқтисодий тараққиёт ва маданий алоқаларгача бўлган барча соҳадаги муносабатларни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш тарафдоримиз.

АҚШ Ўзбекистоннинг чет эл инвестициясини жалб этиш учун қулай шарт-шароит яратиш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди. АҚШнинг нуфузли компаниялари мамлакатингизга сармоя киритгани бунинг ёрқин далилидир.

(Давоми 2-бетда).

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИНИНГ ЎН БЕШИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ОЛДИДАН

*Бугун Олий Мажлис Сенатининг 15-ялпи мажлиси очилади. Таъкидлаш лозимки, қўмиталарда парламент қуйи палатасидан келиб тушган қонунлар дастлабки тарзда кўриб чиқилиб, экспертларнинг фикр-мулоҳазалари олинди, айни пайтда ҳар бир ҳуқуқий ҳужжатнинг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги аҳамияти ўрганилди. Хусусан, “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам сенаторларнинг катта қизиқишига сабаб бўлмоқда. Ушбу ҳуқуқий ҳужжат билан мамлакатимизнинг қатор қонун ҳужжатларига, шу жумладан, “Микромолиялаш тўғрисида”ги Қонунга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилаяпти. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатнинг аҳамияти ҳақида Олий Мажлис Сенати аъзоси И. КАРАТАЕВ мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:*

# Тадбиркорлар фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг муҳим омили

— Мустақиллик йилларида юртимизда бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган демократик-ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш ислоҳотлари изчил амалга оширилмоқда, — деди сенатор. — Бу борада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга, айниқса, катта эътибор қаратилаётир. Аввало, мамлакатимизда ушбу тармоқнинг зарур ташкилий-ҳуқуқий асоси шакллантирилиб, бугунги кун талаблари асосида такомиллаштириб борилаяпти. Жумладан, давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда янги босқични бошлаб берди. Зеро, ушбу дастуриламал асосида “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги ҳамда янги таҳрирдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди. Президентимизнинг соҳага оид қатор Фармон ва қарорлари амалиётга татбиқ этилди. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг жорий йил апрель ойида қабул қилинган ҳужжатларига мувофиқ, 22 та рухсат берувчи тартибот бекор қилинди, 21 рухсат берувчи тартиботни расмийлаштириш муддатлари 2,1 баравар, шунингдек, фаолиятнинг 11 тури бўйича лицензиялар ҳамда рухсат берувчи тусдаги ҳужжатларни расмийлаштиришда йиғимлар миқдори ўртача 4 баравар қисқартирилди. Шу билан бирга, ҳужжатларни тақдим этиш ёки ваколатли органлар билан келишиш бўйича ортиқча талаблар бекор қилиниши ҳисобига 31 рухсат берувчи тартибот бўйича расмийлаштириш тартиб-қоидаси соддалаштирилди. Жорий йилнинг охиригача давлат хизматларининг энг кўп талаб қилинган 23 та турини интернет орқали интерактив шаклга ўтказиш назарда тутилди.

Айни пайтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг аниқ механизмлари жорий қилинди. Хусусан, шу йилнинг биринчи ярмида кичик ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун бизнес субъектларига умумий суммаси 25,5 миллиард сўмлик 86 та давлат активи сотилди, давлат мулкининг 19,4 мингта фойдаланилмаётган объектлари ижарага берилди. Банклар томонидан уларга 4,8 триллион сўм миқдорида ёки 2013 йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан 1,3 баравар кўп кредитлар ажратилди. Буларнинг барчаси мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти ўсиши ва миллий иқтисодиётнинг барқарорлигини, аҳолининг, айниқса, қишлоқ жойларда яшовчиларнинг иш билан бандлиги ҳамда моддий фаровонлигини ошириш масалаларини ҳал этишда тадбиркорлар ҳиссасининг ортишини таъминлади. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида кичик бизнес улуши саноатда 27 фоиздан 28,4 фоизгача, аҳоли бандлигида эса 75,8 фоиздан 76,4 фоизгача ўсди.

“Микромолиялаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига киритилаётган ўзгартиш ҳам ана шундай эзгу саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давомидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони доирасида ишлаб чиқилган мазкур Қонунга мувофиқ, тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларининг кредит буюртмаларини кўриб чиқиш муддатларини янада қисқартириш ва микромолиялаш бўйича қарорларни тезкор қабул қилиш кўзда тутилмоқда. Яъни Қонунга киритилаётган ўзгартишга биноан, микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилот буюртмани олганидан сўнг уч иш куни ичида уни кўриб чиқиши ва микромолиявий хизматлар кўрсатиш тўғрисида ёки микромолиявий хизматлар кўрсатишни асослантирилган ҳолда рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши шарт. Амалдаги қонунчиликда ушбу муддат 10 иш кунини ташкил этишини инобатга оладиган бўлсак, мазкур ўзгартиш тадбиркорлик субъектлари учун қўшимча имкониятлар яратишидан далолатдир.

Хулоса ўрнида айтганда, Ўзбекистон Республикасининг “Микромолиялаш тўғрисида”ги Қонунига киритилаётган ўзгартиш тадбиркорнинг вақтини тежаш, асосий эътиборини фаолияти ривожига қаратиш, ортиқча сарф-харажатларнинг олдини олишда муҳим ўрин тутади.

**Қобил ХИДИРОВ ёзиб олди.**

# Фермерлик ҳаракати

## аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда алоҳида ўрин тутади

*Бугун комил ишонч билан айтиш мумкинки, мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар ўзининг кутилган натижаларини бермоқда. Бу ўз-ўзидан бўлиб қолаётгани йўқ, албатта. Ўзбекистон мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий соҳаларни либераллаштириш йўлидан дадил бориб, кенг миқёсли ўзгаришларни рўёбга чиқараётгани бу борада муҳим омил бўлаётир. Пировардида юрт тараққиёти йўлида фидойилик кўрсата оладиган авлод шаклланди, яъни одамларнинг атроф-муҳитга, ҳаётга бўлган муносабати тубдан ўзгарди.*

Йилдан-йилга тадбиркорлар, хусусий мулк ва кичик бизнес эгалари сони тобора ортиб бораётгани ҳам ушбу саъй-ҳаракатларнинг ҳаётий ифодасидир. Хусусан, қишлоқ хўжалиги таркибий ўзгартирилиб, кўп тармоқли жабҳага айлантирилгани амалда қандай самара бераётгани ҳеч кимга сир эмас.

Айтиш жоизки, бу йўналишда эришилаётган муваффақиятлар негизида, аввало, Юртбошимиз раҳнамолигида иқтисодиётнинг аграр соҳасини тубдан ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар беқиёс аҳамият касб этди. Мамлакатимизда бозор муносабатлари жорий этилиши натижасида қишлоқ жойларда фермерлар асосий кучга айланди. Бугун фермерлар ички ва ташқи бозорда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашни ўз зиммасига олмоқда. Бу Ўзбекистоннинг юқори навли пахта ҳамда сифатли мева-сабзавотларни экспорт қилувчи етакчи мамлакатлардан бирига айланишига замин яратди.

Шундай қилиб, истиқлол шарофати билан қишлоқ хўжалигининг янги мулкдорлари шаклланди. Бугун фермерлар нафақат ердан мўл ҳосил олиш ҳадисини олган, балки иқтисодиётдан хабари бор, ўз ҳуқуқларини талаб қила олади, шартнома тузишнинг ҳуқуқий жиҳатларини яхши тушунади. Айни чоғда қишлоқ мулкдорлари жойларда инфратузилмани ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда, ўз хўжаликларида янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил қилиш ҳисобига иш ўринлари яратиб, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини бажаришда фаол қатнашмоқда.

Фермерларнинг самарали фаолият юритиши учун барча шарт-шароит яратилганини ҳам айтиш зарур. Хусусан, тегишли норматив-ҳуқуқий асос шакллантирилган. Уларда нафақат фермер мақоми ва фаолияти кафолатлари, балки уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомил-

ИСЛОҲОТ

лаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони фермерлик ҳаракатини ривожлантиришда янги босқични бошлаб берди. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатда жамиятни демократлаштиришни чуқурлаштириш, иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш ва либераллаштириш, мамлакат аграр секторини барқарор ва самарали ривожлантиришнинг, аҳоли фаровонлигини оширишнинг муҳим бўғини сифатида фермер хўжаликлари роли ва аҳамиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар фермерлар кенгаши ташкил қилинган бўлиб, улар самарали фаолият олиб бормоқда.

Мазкур Фармон билан тасдиқланган дастурга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни, Солиқ кодекси ва бошқа бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Унга кўра, эндиликда фермерлар кенгашлари фермер хўжаликлари манфаатларини кўзлаб, даъво аризаларини тақдим этиш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, уларнинг мансабдор шахслари хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизликлари) устидан судга давлат божи тўламасдан шикоят қилиш ҳуқуқига эга бўлди. Қолаверса, томчилатиб суғориш тизимини жорий қилган фермерлар беш йилга ягона ер солиғини тўлашдан озод қилинди.

Албатта, бундай шарт-шароит ва имкониятлар биз, фермерларни замон билан ҳамнафас бўлиб қадам ташлашга ундамоқда. Бугун мамлакатимизда 73 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари бўлиб, уларнинг 35 мингтаси кўп тармоқлидир. Улар эндиликда қишлоқ хўжалигининг бир йўналиши, дейлик, ҳосилни йиғиштириш билан машғул бўлиб қолмай, балки маҳсулотни қайта ишлаш корхоналарини ҳам ташкил қилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов “Ўзбекистонда Озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқида қайд этганидек, фермер хўжаликларига барча турдаги зарур хизматлар кўрсатадиган ишончли бозор инфратузилмасининг ташкил этилгани қишлоқ хўжалиги самарадорлигини оширишда муҳим роль ўйнамоқда. Сўнгги йилларда юртимизда гўшт, сут, мева-сабзавот ва бошқа маҳсулотларни қайта ишлашга ихтисослаштирилган янги линиялар ишга туширилмоқда, совутқичли омборлар барпо этилиб, хизмат кўрсатиш шохобчалари очилмоқда. Фермерлар чорвачилик, балиқчилик, паррандачилик, асаларичилик ҳамда бошқа тармоқлар ривожига катта ҳисса қўшмоқда.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизнинг суверен тараққиёт йилларида фермерлик иқтисодиётнинг мустақил, айни чоғда етакчи тармоқларидан бири сифатида шаклланди. Бугун фермерлар аҳоли фаровонлигини ошириш, юқори сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, узоқ қишлоқ жойларда инфратузилмани яхшилашда фаол иштирок этаяпти. Бу эса пировардида мустақил давлатимиз салоҳиятини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

**Азим ЛАТИПОВ,**
**Бухоро вилоятидаги «Азим Шофиркон юлдузи» фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

# Юксак ғурур ва эъзоз тимсоллари

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

1998 йилнинг 28 августида таъсис этилган “Эл-юрт ҳурмати” ордени ва “Ўзбекистон ифтихори” фахрий унвони ана шундай юксак мукофотлар сирасига киради.

Жумладан, мамлакатимиз мустақиллигини, иқтисодий қудратини мустаҳкамлашга, миллий маънавиятни, маданиятни юксалтиришга катта ҳисса қўшган, ўз меҳнати, илмий соҳадаги, жамоат ишидаги фаоллиги, меҳнатсеварлиги ва ватанпарварлиги билан жамоатчиликнинг иззат-ҳурматига сазовор бўлган инсонлар “Эл-юрт ҳурмати” ордени билан мукофотланиб келинаяпти.

Мазкур орден марказида рангли йўл билан ҳошияланган “Регистон” меъморий мажмуи, мафтункор водий ва фусункор тоғлар узра мовий осмон, порлаётган қуёш ўз аксини топган. Бу бой тарихимиз, бугунги осойишта ва фаровон ҳаётимиз ҳамда порлоқ истиқболимизнинг рамзидир. “Эл-юрт ҳурмати” ордени билан мамлакатимиз фуқаролари ва Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланиши мумкин.

Бугун мамлакатимизда ўз маҳорати, истеъдод ва иқтидори билан дунёни лол қолдираётган ва Ўзбекистон байроғини юксакка кўтараётган умидли ёшларимизнинг сафи тобора кенгаймоқда. Уларнинг ғайрат-шижоатини, орзу-интилишларини кўриб, бундай ёшларни олға бошлаётган қудратли куч — Ватан туйғуси эканлигига амин бўламиз. Табиийки, бу истиқлол йилларида мамлакатимизда спортга бўлган юксак эътибор, яратилган беқиёс имкониятлар самарасидир. Хусусан, бевосита Юртбошимиз томонидан ҳаётга татбиқ этилган уч босқичли тизим — “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, Универсиада мусобақалари жисмоний жиҳатдан баркамол ёшларни тарбиялаш, аниқлаш ва муносиб рағбатлантиришга хизмат қилаяпти. Эътиборлиси, ушбу беллашувларда ғолибликни қўлга киритган ёшларимизнинг аксарияти кейинчалик кўплаб халқаро мусобақаларда ҳам Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, улкан муваффақиятлар қозонишаяпти.

“Ўзбекистон ифтихори” фахрий унвони ана шундай умидли ёшларимизни рағбатлантириш ва янги марралар сари илҳомлантириш омили бўлмоқда. Ушбу фахрий унвон жаҳон чемпионатларида, Олимпия ўйинларида ва бошқа халқаро спорт беллашувларида ғолиб бўлган, ўз ютуқлари билан Ватанимиз нуфузини, шон-шуҳратини улуғлашга муносиб ҳисса қўшган Ўзбекистон фуқароларига берилади.

Ҳар бир инсон учун эл-юрт эътибори ва эҳтиромини қозонишдан улуғроқ бахт бўлмаса керак. Бу бахтга сазовор бўлиш, Ватан ифтихорига айланиш эса барчамиз учун олий саодатдир.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ.**

# Ёшларимиз — ғолиблар сафида





(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўсмирлар ўртасидаги Олимпиада ўйинларида иштирок этиб, юқори натижаларга эришган атлетларимизнинг аксарияти ана шу спорт ўйинларида қатнашиб, ўз иқтидори ва маҳоратини оширган шижоатли ёшлардир.

Мусобақани кўтаринки руҳда ўтказган бокс бўйича ўсмирлар ўртасида Осиё ва жаҳон чемпиони Бектемир Меликўзиев (69 кг.) ярим финалда беларуслик Иляс Адзинаевни техник нокаутга учратиб, финал йўлланмасига эга бўлган эди. Ҳал қилувчи баҳсда у Доминикан Республикаси вакили Хуан Соланога ҳеч қандай имконият қолдирмади.

Вазни 49 килограммгача бўлган спортчилар ўртасида эса Сулаймон Латипов ярим финалда япониялик Субару Муратадан устун келди. Олтин медаль учун озарбайжонлик Руфат Ҳусейнов билан баҳслашган ҳамюртимиздан бир оз омад юз ўгирди. Шу тариқа Сулаймон кумуш медаль билан тақдирланди. Ўн олти ёшли боксчимиз ўсмирлар ўртасидаги Осиё ва жаҳон чемпионатларида ҳам худди шундай натижага эришган эди.

Умуман олганда, Нанкин Олимпиадасида Ўзбекистон вакиллари юксак истеъдод ва маҳорат соҳиби эканликларини намойиш этишди. Буни мазкур нуфузли мусобақада Илҳом Баҳромов (юнон-рум кураши), Суҳроб Турсунов (дзюдо, жамоавий), Владимир Свечников (ўқ отиш, микст) олтин, Умида Абдуллаева (таэквондо ВТФ), Фарҳодбек Собиров (оғир атлетика) кумуш, Суҳроб Турсунов (дзюдо, яккалик), Адҳамжон Эргашев (оғир атлетика), Тимур Қодиров (спорт гимнастикаси) бронза медалига сазовор бўлгани ҳам тасдиқлаб турибди.

**Фазлиддин АБИЛОВ.**

# Ободлик ва қут-барака асоси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

*Таққослаш учун маълумот: мустақилликнинг дастлабки йилларида қишлоқ туманларида саноат маҳсулотининг атиги 10 фоизигина тайёрланар эди. Айни пайтга келиб, бу кўрсаткич 30 фоизни ташкил этмоқда. Ишбилармону тадбиркорларимиз чекка ва олис қишлоқлардан туриб, дунёнинг энг ривожланган давлатларидан буюртмалар қабул қилмоқда. Бунинг натижасида қанчадан-қанча ёшлар ишли бўлаяпти, қанчадан-қанча оилалар ҳаёти тобора фаровонлашиб бормоқда. Таълим муассасаларимиздаги шарт-шароитларни айтмайсизми?! Хўш, бу ким учун, нима учун? Албатта, фарзандларимиз, эртанги ёруғ келажагимиз учун.*

*Айтиш жоизки, жонажон Ўзбекистонимиз — инсон қадри улуғланган юрт. Кексаларга ғамхўрлик, ёшларга эътибор, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида амалга оширилаётган эзгу ишлар бизга нафақат чексиз шодлик, балки фахр-ифтихор бахш этади.*

*Афсуски, жаҳоннинг турли бурчакларида низолар, фитналар, зўравонликлар авж олмоқда. Ана шу бемаъни келишмовчиликлар туфайли қанчадан-қанча аёллар, болалар, қариялар ҳаётдан кўз юмаётганлигидан эзилиб кетасан киши. Бундай нотинчликларда одамларнинг эртанги кунга ишончи сўниши тайин.*

*Дунёда юз бераётган бу каби ташвишли воқеалар, албатта, ҳар бир юртдошимизни мамлакатимиздаги тинчлик ва омонликнинг қадрига етиш, ҳушёр ва огоҳ бўлиб яшашга ундайди. Ахир осойишталик барқарор юртдангина барака аримайди, ободлик ва фаровонлик ҳукм суради.*

**«Халқ сўзи» мухбири**
**А. МУҲАММАДИЕВ ёзиб олди.**

Жорж КРОЛ:

# ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА УЛКАН ЮТУҚЛАРНИ ҚЎЛГА КИРИТДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистонда фаол иш юритаётган “General Motors”, “The Coca-Cola Company”, “Boeing” каби компанияларимиз ўз маҳсулотлари ва хизматларини тақдим этиш баробарида, аҳоли учун янги иш ўринлари ҳам яратмоқда. Ўзбекистоннинг барқарор ривожланаётган иқтисодиёти, бизнес юритиш учун барча халқаро стандартларга жавоб берадиган савдо ва молиявий институтлари мамлакатингизда тадбиркорлик фаолиятини юритиш истагида бўлган АҚШ компаниялари сафини янада кенгайтиришига ишончим комил.

АҚШ билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида 2010 йилда имзоланган илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги битимни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида жорий йилнинг май ойида Илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — АҚШ қўшма комиссиясининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Ушбу мажлис қишлоқ хўжалиги, қайта тикланадиган энергия манбалари ҳамда тиббиёт каби уч йўналишдаги ўзаро ҳамкорликнинг икки йилга мўлжалланган ҳаракат режасини белгилаб олиш имконини берди.

Ўзбекистонда инглиз тилини биринчи синфдан бошлаб ўқитиш йўлга қўйилгани туфайли АҚШ элчихонаси инглиз тилини ўргатишнинг илғор дастурларини амалга ошириш борасида давлат ва жамоат ташкилотлари билан самарали ҳамкорлик қилмоқда. Ҳозир ушбу дастур йўналишларини янада кенгайтиришни мўлжалламоқдамиз. Элчихонамизнинг Таълим маслаҳати маркази барча хоҳловчиларга АҚШда таҳсил олиш учун тегишли олий ўқув юртини танлашга ёки тадқиқотлар олиб боришга кўмаклашмоқда.

АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) қишлоқ хўжалиги самарадорлиги ва фермерлар даромадини ошириш, ферма-бозор иқтисодий занжиридаги корхоналар фаолиятини мустаҳкамлашга оид дастурларни молиялаштириш билан шуғулланади. Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида фермер ва мутахассислар алмашинуви йўлга қўйилган. Ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, икки томонлама ва минтақавий ишончли савдо алоқаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон ва минтақанинг бошқа мамлакатлари ишбилармонлари билан ҳамкорликни фаоллаштиришга оид қатор лойиҳаларни амалга оширдик.

Жорий йилда АҚШ рассомлари, экспертлари, ёзувчи ва мусиқачиларининг Ўзбекистонга ташрифини уюштириш билан бир қаторда, Маданий меросни асраб-авайлаш бўйича Элчи жамғармаси томонидан Самарқанднинг “Афросиёб” музейидаги “Элчилар суратлари”ни қайта тиклаш ишлари молиявий қўллаб-қувватланди. Ўзбекистонга маданият соҳаси мутахассислари ташрифини мунтазам амалга ошириш элчихонамиз учун анъанага айланган. Халқларимиз ўртасидаги дўстлик риштаper мустаҳкамлаш мақсадида маданиятлараро мулоқотни янада фаоллаштириш, турли учрашувларни мунтазам ўтказиш ниятидамиз.

*— Мамлакатларимизнинг парламентаризмни ривожлантириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш борасидаги ҳамкорлиги, ўзаро тажриба алмашинувлар ва мулоқотлар самараларини қандай баҳолайсиз?*

— Ўзбекистон ва АҚШ парламентлари ўртасида йўлга қўйилган ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Мамлакатларимиз парламентлари делегацияларининг ташрифлари мунтазам амалга оширилмоқда. Бу парламентаризм соҳасида тажриба алмашиш учун яхши имконият яратмоқда.

АҚШ Конгресси аъзолари ва вакиллари Ўзбекистонга расмий ташрифлари доирасида икки мамлакат ҳамкасблари мулоқотини қонунчилик соҳасида янада фаоллаштиришга қизиқиш билдирди. Ўзбекистон — АҚШ судьялари ва амалиётчи юристлари алмашинувини амалга ошириш орқали юридик таълим соҳасидаги икки томонлама алоқаларни фаол ривожлантиришга эришилмоқда. Ўзбекистон, АҚШ ва бошқа ҳамкорлар билан биргаликда мамлакатингизда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш йўлида оммавий ахборот воситалари билан суд тизимининг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлашга оид қатор тадбирларни ўтказдик.

2013 йили Самарқандда “Парламентаризмни ривожлантириш: Ўзбекистон ва АҚШ тажрибаси” мавзуида халқаро илмий-амалий конференция уюштирилди. Унда ижро ҳокимияти органларининг қонун ҳужжатларини бажариши устидан парламент назоратини ташкил қилиш ва амалга ошириш, парламентнинг фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиги соҳасида тажриба алмашилди, парламентлараро алоқаларни ривожлантириш истиқболлари белгилаб олинди. АҚШ Конгресси аъзолари ва сенаторларининг мамлакатингизга ташрифлари янада фаоллашади, деб умид қиламан. Зеро, бундай алоқалар ўзаро муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

*— Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида фикр билдирсангиз.*

— Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар жуда муҳим бир мақсадга, яъни ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини ҳаётга изчил татбиқ этиш, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш, марказда ва жойларда қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари ҳамда назорат вазифаларининг ролини кучайтириш, суд тизимини либераллаштириш ва унинг мустақиллигини таъминлаш бўйича ғоят долзарб чора-тадбирларни кўришга қаратилган.

Биз бу борада амалга оширилаётган ислоҳотларни, фуқаролик жамияти институтларини ташкил этиш ва ривожлантириш, Конституция ва халқаро мажбуриятларда кафолатланган фикрлаш ҳамда сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни юқори баҳолаймиз. АҚШ Ўзбекистонда мамлакат аҳолиси, айниқса, тадбиркорларга кўрсатилаётган интерактив давлат хизмати сифатини янада яхшилаш мақсадида “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлайди.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги, ижтимоий шериклик ва ижтимоий назоратга оид қонунчилик мамлакатингизнинг демократик давлат сифатида янада тараққий этишига хизмат қилади.

*— Ўзбекистоннинг минтақада хавфсизликни таъминлаш, тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш борасидаги ташаббуслари ва саъй-ҳаракатлари ҳақида қандай фикрдасиз?*

— АҚШ Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда барқарорлик, хавфсизлик ва тинчликни мустаҳкамлаш йўлидаги сиёсатини қўллаб-қувватлайди. Биз Ўзбекистон билан минтақавий барқарорликни таъминлаш, терроризмга қарши курашиш, гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний савдосини олдини олиш йўлида ҳамкорлик қилиб келаётирмиз. Ўзбекистоннинг Афғонистонда тинчлик ва иқтисодий барқарорликни мустаҳкамлашга қўшаётган улкан ҳиссасини, шунингдек, у ердаги АҚШ ҳарбийлари учун транзит ташишларни амалга оширишда кўрсатаётган кўмагини юксак қадрлаймиз.

Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилган ташаббус жорий йилда тўлиқ амалга оширилгани — Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона барпо этиш тўғрисидаги Шартнома — Хавфсизлик кафолатлари тўғрисидаги Протоколнинг имзоланганидан хурсандмиз. Икки стратегик ҳамкор — Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида хавфсизлик масалаларига оид ўзаро маслаҳатлашувлар қамрови янада кенгайиб, мустаҳкамланиб ва фаоллашиб бормоқда.

АҚШ Марказий Осиё мамлакатларининг ўзаро манфаатдорлик ва ошкораликка асосланган конструктив мулоқоти минтақада барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашга хизмат қилишига ишонади. Биз бу йўналишдаги барча конструктив саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаймиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини мамлакатингиз мустақиллигининг 23 йиллик байрами билан чин дилдан муборакбод этаман. Мазкур миллий байрам муносабати билан энг яхши тилакларимни, самимий қутловларимни йўллайман. Халқингизга тинчлик, бахт-саодат, фаровонлик ва мустаҳкам соғлиқ тилайман.

Мустақиллик байрамингиз муборак бўлсин!

**ЎзА мухбири**
**Нодира МАНЗУРОВА суҳбатлашди.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

# Жиззах вилояти: ШИЖОАТ, БУНЁДКОРЛИК ВА ЯНГИЛАНИШ



Энг муҳими, мустақиллик йилларида бу ерда саноатнинг мутлақо янги тармоқ ва йўналишлари ривожланиши натижасида қурилиш ашёлари, енгил ҳамда озиқ-овқат саноати жадал тараққий этиши кузатилмоқда. Бундан 10 йил аввал вилоят бўйича атиги 428 та саноат корхонаси мавжуд бўлган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг сони бир ярим мингтадан ошиб кетгани бунга ёрқин мисол бўла олади.

Сир эмас, яқин-яқин йилларгача Жиззах заминида етиштирилган пахта ҳосилидан олинган толанинг бор-йўғи 9 фоизи шу ерда қайта ишланар эди. Бугун-чи? 35 фоиздан ортди. Бу, шубҳасиз, Президентимиз ўтган йил ёзида вилоятга ташрифи чоғида иқтисодиётнинг барча тармоқлари қаторида, тўқимачилик ва енгил саноатни ривожлантириш бўйича берган йўл-йўриқлари ҳамда маслаҳатлари асосида иш юритилгани самарасидир.

Эътиборли жиҳати, биргина жорий йилнинг ўзида вилоятда саноат салоҳиятини оширишга қаратилган дастур асосида яна умумий қиймати 402,2 миллион АҚШ долларилик 237 та лойиҳа, шу жумладан, қиймати 75,6 миллиард сўмлик 64 та енгил саноат корхонасини фойдаланишга топшириш белгиланган. Ҳозирги кунга қадар эса уларнинг 30 дан зиёди рўёбга чиқарилди. Пировардида 1,3 минг кишининг бандлиги таъминланиши баробарида, “Jizzax Plastex”, “Jizzax kentex”, “Рустекс” каби корхоналарда йилига 25 минг тонна толани қайта ишлаш эвазига калава ип тайёрлаш, ундан трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 2016 йилга бориб, пахта толасининг 68,5 фоизини ҳудуднинг ўзида қайта ишлаш имкониятини яратиш кўзда тутилганини ҳисобга олсак, ушбу тармоқ ривожланишнинг ойдин йўлида турганини янада яққолроқ тасаввур эта оламиз.

Президентимиз ташаббуси билан “Жиззах” махсус индустриал зонасининг ташкил этилиши, айниқса, вилоятда хориж инвестициясини жалб қилган ҳолда, саноат тармоқларини равнақ топтиришда янги босқични бошлаб берди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Негаки, мазкур зонада барпо этилаётган ва фойдаланишга топширилиши кутилаётган корхоналар шарофати туфайли қайта тикланувчи энергия, электроника, маиший техника, фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилиши билан бирга, минглаб иш ўринлари яратилмоқда. Зафаробод туманида яқинда ишга туширилган заводда нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда биринчи бўлиб оқ цемент тайёрланаётгани, унинг асосий қисмини эса хорижлик харидорлар сотиб олиш таклифини билдираётгани фикримизнинг исботидир.



Бундан ташқари, шу кунларда Жиззах шаҳридаги собиқ “Зилола текс” корхонаси ўрнида 15 млн. АҚШ долларилик инвестиция ҳисобига мато тўқиш ва тайёр кийим-кечаклар тикиш лойиҳасини амалга ошириш, Ғаллаорол туманидаги бўш ётган бинода эса 12 млрд. сўм сармоя киритиш эвазига тикувчилик фабрикасини бунёд этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Шу йилнинг охиригача эса Жиззах шаҳрида ҳар бирининг қуввати 2 млн. жуфт пайпоқ ишлаб чиқаришга мўлжалланган яна 3 та корхонанинг ишга туширилиши режалаштирилганки, бу ҳам вилоятнинг экспорт салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилади.

Қолаверса, жиззахликларнинг ҳар бир туманда кичик саноат зоналарини ташкил қилиш ташаббуси билан чиқиб, унинг рўёби йўлида саъй-ҳаракатлар кўрсатаётганликлари ҳам таҳсинга лойиқ. Натижада чекка ҳудудларда ҳам янги ишлаб чиқариш субъектлари яратилмоқда, аҳолининг даромади ортиб, турмуши тобора фаровон бўлиб бораяпти.

Давлатимиз раҳбари ўтган йили вилоятга ташрифи чоғида, шунингдек, Жиззах шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, бунинг учун унинг бош режасини тўлиқ қайта кўриб чиқиш зарурлигини алоҳида таъкидлаган эди. Шундан келиб чиқиб, бу шаҳар эндиликда бутунлай қайта қурилмоқда. Хусусан, Мустақиллик ва Навоий кўчалари равонлаштирилиб, икки четидаги пасқам ва кўримсиз иморатлар ўрнида 40 дан ортиқ уч қаватли туражойлар, хизмат кўрсатиш мажмуалари бунёд этилмоқда. Шу билан бирга, Кичик ҳалқа йўли яратилаяпти, маҳаллаларда хиёбонлар ташкил этилиб, улар жиззахликларнинг ҳақиқий ҳордиқ чиқариш масканига айлантирилаётир. Қайтадан қурилаётган Эски шаҳар деҳқон ва буюм бозорлари, “Кўк бозор”ни эса бунёдкорлар энг улуғ ва энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги шодиёналари арафасида аҳолига совға қилиш ниятидадирлар.

Шу ўринда шаҳар марказидаги эски стадион негизида 10 минг томошабинга мўлжалланган замонавий стадион, иккита ёпиқ манеж ва бассейндан иборат спорт комплекси ҳамда 9 гектарлик хиёбон қад ростлаётгани, ана шу эзгу мақсадлар учун давлат бюджети ва ҳомийларнинг маблағлари ҳисобидан 56 миллиард сўм сарфланаётганини ҳам қайд этиш ўринлидир.

— Бундай қурилиш ва ободонлаштириш ишлари чекка туманларда ҳам кенг қулоч ёймоқда, — дейди “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компаниясининг Жиззах вилояти филиали директори Шуҳрат Раҳимов. — Жумладан, кейинги йилларда қишлоқ аҳли учун намунавий лойиҳалар асосида салкам 2300 та уй-жой қурилган бўлса, жорий йилда уларнинг сони яна 627 тага кўпаяди.

Вилоятда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, баркамол авлодни вояга етказиш, бунинг учун ўғил-қизларни спортга жалб этиш, вилоятнинг туристик салоҳиятини ошириш, ижтимоий инфратузилмаларни кўпайтириш ва кенгайтириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётгани диққатга сазовор. Зомин ҳамда Бахмал туманларида сайёҳлик ва дам олиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида йирик лойиҳалар амалга оширилаётгани, “Зомин” санаторийси ҳудудида, денгиз сатҳидан 1200 — 1400 метр баландликда ҳаваскорлар ва болалар учун тоғ-чанғи трассалари фойдаланишга топширилгани ана шундай саъй-ҳаракатлар натижасидир.



Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

Мухтасар айтганда, бугун Жиззах вилояти иқтисодиёти тобора тараққий этиб, аҳолининг турмуш даражаси ошмоқда. Жиззахликлар эса Мустақиллик туфайли тинч ва осойишта яшаётганларига шукроналар айтган ҳолда, қўлга киритилган муваффақиятларни янада мустаҳкамлаш пайидан бўлиб, Истиқлолимизнинг 23 йиллик тўйига муносиб тўёна ҳозирламоқдалар.

**Тожиддин ҚАМАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Педагоглар малака оширишди

*Чирчиқ шаҳрида “Тиббиёт коллежларида малакали тиббиёт ходимларини тайёрлаш сифатини оширишнинг самарали йўллари, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими” мавзуида ўқув-семинар бўлиб ўтди.*

СЕМИНАР

Республика Соғлиқни сақлаш ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамкорлигида ўтказилган мазкур анжуманда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги кичик тиббиёт ходимлари тайёрлашга ихтисослаштирилган 80 га яқин ўрта махсус, касб-ҳунар коллежлари раҳбарлари, касбий таълим йўналиши бўйича мутасаддилар, ҳамкор ташкилотлар вакиллари қатнашди.

— Коллежимизда 1200 нафардан ортиқ ўғил-қиз таҳсил олади, — дейди Чирчиқ тиббиёт коллежи директори Муҳаббат Диловарова. — Янги ўқув йили олдидан бундай йирик семинарнинг ташкил этилиши барчамиз учун соҳага оид янгиликлар билан танишиш, таълим жараёнида илғор педагогик технологиялардан кенг фойдаланиш, шунингдек, давомат, битирувчилар бандлигини таъминлаш каби муҳим ва кундалик вазифаларимизни амалга оширишимизда жуда фойдали бўлди.

Ўқув-семинарнинг эркин ва самимий руҳда ўтган шўъба йиғилишлари, айниқса, мунозараларга бой кечди. Уларда жойларда мавзуга доир янги тажрибалар, таклиф ва мулоҳазалар ўртага ташланди. Хусусан, ўқувчиларнинг пухта амалий малака ва кўникма ҳосил қилишида Тошкент, Андижон, Наманган ва Марғилон шаҳарларидаги таълим муассасаларида амалиётга татбиқ этилаётган тажрибалар кўпчиликда қизиқиш уйғотди.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Реклама ўрнида




Эълонлар

## «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

***очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

*«Capital realtor group» МЧЖ Фарғона филиалида 2014 йил 2 октябрь куни соат 14.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар арзонлаштирилган нархларда такроран қўйилмоқда:*

**1.** Бешариқ тумани СИБ томонидан ФВХСнинг 2013 йил 26 мартдаги 15-13-05/7383-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бешариқ тумани, «Андархон» ҚФЙ, «Чинобод» МФЙ, Андархон қишлоғида жойлашган, қурилиш ости майдони 442,76 кв.м., фойдаланиш майдони 330,98 кв.м. бўлган, 0001-0008 литерлардаги биолаборатория биноси.

***Бошланғич баҳоси — 27 079 833 сўм.***

**2.** Марғилон шаҳар СИБ томонидан ФИБ Марғилон туманлараро судининг 2014 йил 21 январдаги 1-207/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Марғилон шаҳри, «Ёрқин» МФЙ, 1-тор кўчаси, 6-уйда жойлашган, қурилиш ости майдони 104,61 кв.м., фойдаланиш майдони 53,88 кв.м. бўлган, 0001-0007 литерлардаги ҳовли-жой.

***Бошланғич баҳоси — 50 000 000 сўм.***

**3.** Марғилон шаҳар СИБ томонидан ФВХСнинг 2013 йил 6 майдаги 15-13-04/10342-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Марғилон туманлараро қишлоқ хўжалигини моддий-техникавий таъминлаш» МЧЖга тегишли, Марғилон шаҳри, «Охунбобоев» темир йўл бекати ҳудудида жойлашган, 12900 кв.м. ва 6644,22 кв.м. ҳажмдаги асфальтли майдони.

***Бошланғич баҳоси — 23 041 284 сўм.***

**4.** Риштон тумани СИБ томонидан ЖИБ Сўх тумани судининг 2013 йил 29 октябрдаги 7-124-2013-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Риштон тумани, Риштон шаҳри, «Минор» МФЙ, Рошидоний кўчаси, Деҳқон бозори ҳудудида жойлашган, қурилиш ости майдони 57,60 кв.м. бўлган 17- савдо дўкони.

***Бошланғич баҳоси — 16 368 879 сўм.***

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2014 йил 30 сентябрь куни соат 17.00 да тўхтатилади. Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг АТБ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Аукцион савдоси билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 35-уй, «Биржа маркази» биноси, 2-қават, 19-хона. Телефонлар: (+99 873) 244-42-24, (+99 890) 231-38-59.**

1345/90

Хизматлар лицензияланган.

## «KO‘P TARMOQLI KO‘CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

**Аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:**

**I.** Ўзбекистон Республикаси Суд департаментининг Суд қарорларини ижро этиш бошқармаси томонидан тақдим қилинган, Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 5 мартдаги ЖСХ-1-69/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган:

**1.** Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Марказ-5 мавзеси, 36-уй, 3 ва 7-хонадонларда жойлашган, бино-иншоотнинг умумий майдони 155,0 кв.м., тўққиз қаватли бино биринчи қаватининг бир қисми, асосий хоналар сони 12 та бўлган сартарошхона ва дўкон (офис) бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 379 280 000 сўм.***

**2.** Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Тузель» ҚФЙда жойлашган, умумий майдони 6377,43 кв.м., қурилиш ости майдони 1121,4 кв.м., ҳозирги кундаги ҳолати бўйича қурилиш ости майдони 1345,65 кв.м., бир қаватли, асосий бинолар сони 13 та, ҳозирги кундаги асосий бинолар сони 11 та, кадастр ҳужжатида кўрсатилган жами 201,29 кв.м.лик қурилмалар, яъни, ертўла, хизматчи бино, қурилиши тугалланмаган устахона, 2 та бостирмаси бузиб ташланган автосарой бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 604 310 000 сўм.***

**3.** Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Бурчмулла қишлоғи, Д. Тусметов кўчасида жойлашган, умумий майдони 792 кв.м., қурилиш ости майдони 730,4 кв.м., 2 қаватли, асосий бинолар сони 2 та, ёрдамчи бинолар 7 та, биринчи қаватдаги омборхонаси тураржой ҳолатига келтирилиб қайта таъмирланган дала-ҳовли.

***Бошланғич баҳоси — 653 690 000 сўм.***

**4.** Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 5-«А» уйда жойлашган, ер участкасининг умумий майдон 4611 кв.м., фойдаланиш майдони 1782,2 кв.м. бўлган, 4 та бино ва 2 та ҳовуздан иборат чойхона («Сабо» тўйхонаси) биноси.

***Бошланғич баҳоси — 4 075 660 000 сўм.***

**5.** Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 62-уйда жойлашган, бинонинг умумий майдони 836 кв.м., 3 қаватли бино 1-қаватининг бир қисми бўлган маиший хизмат кўрсатиш бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 1 506 820 000 сўм.***

**6.** Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Чангалзор-Мавзук кўчаси, 3-уйда жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 15844 кв.м., фойдаланиш майдони 2898,3 кв.м.дан иборат ишлаб чиқариш ҳудуди бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 2 808 670 000 сўм.***

**7.** Наманган вилояти, Наманган шаҳри, 2-микрорайонда жойлашган савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуасидаги бинолар, 8 та шохобчадан иборат автоустахона, 4 автомашинага мўлжалланган автоювиш шохобчаси (кадастр ҳужжати бўйича ер майдони 0,29 гектар, қурилиш ости майдони 1081,75 кв.м.ни ташкил этиб, ҳозирги кунда биринчи ва иккинчи ер участкаларининг умумий майдони 0,59 гектар, қурилиш ости майдони 3999,30 кв.м.ни ташкил этади).

***Бошланғич баҳоси — 1 317 621 690 сўм.***

**8.** Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Оққовоқ» ҚФЙ, Оқолтин маҳалласида жойлашган, ер участкасининг умумий майдони 643 кв.м., қурилиш ости майдони 180,92 кв.м.дан иборат дала-ҳовли.

***Бошланғич баҳоси — 107 760 000 сўм.***

**II.** Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Учтепа тумани СИБ томонидан Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти Чирчиқ туманлараро судининг 2014 йил 10 июндаги 5268/2014-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Ёнариқ» ҚФЙ ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 1,764 гектар, қурилиш ости майдони 1761,18 кв.м.дан иборат бўлган молхона бино-иншоотлари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 280 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 30 сентябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko‘p tarmoqli ko‘chmas mulk savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар иш кунлари соат 9.30 дан 18.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 18.00 да тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: (8-371) 249-54-59, 249-53-61.**

1344R/562

Хизматлар лицензияланган.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача

232-11-15, 236-09-25.

E-mail: reklama@xs.uz

02

## «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

2014 йил 7 август куни ўтказилган аукцион савдолари натижасига кўра, «Davlat belgisi» ДИЧБ Тошкент қоғоз фабрикаси балансида бўлган, 1998 йилда ишлаб чиқарилган «АБП-8С» русумли автомобилларга ёнилғи қуйиш контейнер блок пункти 6 800 000 сўмга сотилганлигини ҳамда «Ўзбектелеком» ОАЖ АК Тошкент филиалининг 2014 йил 25 августдаги 28-02-18/2545-сонли хатига асосан, давлат рақами 10/381GAA бўлган «М-214121» русумли, давлат рақами 10/986RAA бўлган «ГБА-СПГ-ГАЗ-24» русумли автотранспорт воситалари аукцион савдоларидан олинганлигини маълум қилади.

*Гувоҳнома №005357.* 1339R/40

Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамда Бадиий ижодкорлар уюшмаси жамоалари рангтасвирчи рассом

**Шаҳло ҚУРБОНОВАнинг**

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Реклама ўрнида













Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 867. 79 367 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — Д. Содиқов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.45 Топширилди — 22.40 1 2 3 4 5